



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил 15 "февраль"

№ 78

Тошкент ш.

Вазирлик Ҳайъати Кенгашининг
2021 йил 12 февралдаги 2-сон
мажлисида қабул қилинган қарорлари
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2021 йил 12 февралдаги 2-сон мажлисида кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган Ҳайъат Кенгаши қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ҳайъат Кенгашининг 2021 йил 12 февралдаги 2-сон мажлисида қабул қилинган қуйидаги:

- "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижроси ва вазирликнинг жорий йил иш режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2/1-сон;

- "Олий таълим тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида"ги 2/2-сон;

- "2020/2021 ўқув йилида олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Президентининг давлат стипендияларининг тайинлаш тўғрисида"ги 2/3-сон;

- "Вазирликнинг 2020 йил давомида қабул қилинган Ҳайъат қарорларини олий таълим муассасаларида бажарилиши тўғрисида"ги 2/4-сон қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига мазкур Ҳайъат қарорлари бандларининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қарорларда белгиланган муддатларда вазирликнинг тегишли бошқармаларига ва чорак якунлари бўйича Ҳайъат котибига ўрнатилган тартибда тўлиқ ҳисобот тақдим этиш вазифаси юклансин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Тошқулов